

*Султанов Ақром Аманович,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси Очиқ маълумотлар
портали фаолиятини мониторинг қилиш
ва мувофиқлаштириш бошқарма бошлиғи,
Умаров Омонулло Сайидаминович,
Очиқ маълумотлар портали фаолиятини
мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш
бошлигининг ўринбосари PhD.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАР ПОРТАЛИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мақолада мамлакатимизда очиқ маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, очиқ маълумотлар соҳасида олиб борилаётган амалий ишлар, портал юритилиши ҳолати, очиқ маълумотлар базасидан фойдаланишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари кўрсатилган.

В статье рассмотрены вопросы повышения эффективности использования открытых данных в стране, практической работы в сфере открытых данных, состояния ведения портала, проблемы использования баз открытых данных и их решения.

The article considers the issues of improving the efficiency of using open data in the country, practical work in the field of open data, the state of maintaining the portal, the problems of using open data databases and their solutions.

Глобаллашув ва ахборот технологиялари жадал ривожланишининг ҳозирги даврида электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этиб, мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти очиклигини таъминлаш, жамоатчиликка бу борада аниқ ва холис ахборот етказиб бериш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси бир қатор мамлакатларнинг иқтисодий назарияси ва амалиётида пайдо бўлди. Бу жабҳа рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, ахборот соҳасида инқилоб ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёнларини тезлаштириш билан ажралиб туради. Улардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораётган билимга айлантирилди ва ижтимоий-иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бормоқда.

Бозор субъектлари фаолиятида рақамли трансформацияларнинг асосий омили рақамли маданиятни ривожлантиришдан иборат. Жамиятни ижтимоий ва иқтисодий ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида атроф-муҳит жамиятнинг

институционал тузилишига хос хусусиятларини келтириб чиқармоқда ва бу асосда янги тушунчалар ҳамда ёндашувларни шакллантиришга зарурат туғдирмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор” [1].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Очик маълумотлар порталини такомиллаштириш орқали рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга эришиш мумкин. Очик маълумотлар асосида, хусусан, электрон иловалар ишлаб чиқиш орқали уларнинг савдо, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ривожига таъсирини кузатишимиз мумкин.

Мамлакатимизда очик маълумотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат органлари ҳисоботларини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 4273 - сонли қарорига асосан, Давлат статистика қўмитаси давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар портали (data.gov.uz)да ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш учун масъул этиб белгиланган [2].

Аҳоли учун зарур маълумотларни уларга ўз вақтида етказиб бермаслик ва аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондирмаслик жамият ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатиб, оқибатда “ахборот тақчиллиги” жамият инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, маълумотларнинг очиклигини таъминлаш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда туризм соҳасини янада ривожлантиришга эришса бўлади. Мазкур омиллар очик

маълумотлар порталининг ишлаш самарадорлиги оширилишини заруриятга айлантиради. Очiq маълумотлар порталини юритишда жумладан, Портал ва давлат органларининг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилиш ишларини амалга ошириш лозим.

Очiq маълумотлар билан таъминлаш тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- барча соҳадаги маълумотларнинг мавжудлиги;
- маълумотларнинг аниқ ва тўлиқ жойлаштирилганлиги;
- архив маълумотларидан фойдаланиш бўйича рухсатномага эга бўлиши;
- маълумотларни қайта ишлашга инсон ва машина ўқийдиган форматда тайёр бўлиши.

“Очiq маълумот” деб очiq маълумотлар порталида кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машина ўқиши учун керакли форматларда киритиладиган, интернет тармоғида жойлаштирилган давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларнинг жойлаштирилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан чекланган очiq маълумотлар шаклида махфий маълумотларни, шу жумладан, шахсий маълумотларни, шунингдек, бошқа маълумотларни ўз ичига олган, давлат сирини ифодаловчи маълумотлар нашр этилмайди. Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар очiq маълумотлар шаклида эълон қилинади.

Очiq маълумотлар порталининг ҳозирги кундаги юритилиши ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, унда бевосита маълумотларни тўплашда давлат ходимлари иштирок этиб, маълумотларни киритадилар, қайта нашр этадилар ҳамда услубий тавсияларга мувофиқ чоп этадилар. Дастурчилар эса, API интерфейслари, сўровларни қўшиш, иловаларни қўшиш қобилияти ҳамда маълумотларни оддий ва осон киритиш йўллари кўрсатиб берадилар. Жумладан, манфаатдор фойдаланувчилар эса дастур каталоги, маълумотлар таркиби, маълумотларни қўшиш учун талаблар ва алоқа учун сайтдан фойдаланадилар(1-расм).




1-расм. Очик маълумотлар порталининг ҳозирги кундаги юритилиши ҳолати таҳлили¹

Мамлакатимизда очик маълумотлар тизимини жорий этиш орқали қуйидаги натижаларга эришимиз лозим:

- давлат ҳокимияти органларининг шаффофлигини ошириш ва "Очик ҳукумат" концепциясини амалга ошириш;
- хорижий инвесторларга мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш ҳамда шу орқали инвестицияларни жалб қилиш;
- туризм хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;
- ижтимоий-сиёсий институтларни шакллантириш ва ташкил этишда фуқаролик жамиятининг иштироки даражасини ошириш;
- ахборотдан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш.

Манба: ¹ Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Хорижий мамлакатларнинг очик маълумотлар порталида жойлаштирган маълумотлари сони ҳолати таҳлили(2019 йил)[3].

2019 йил ҳолатига хорижий мамлакатларнинг очик маълумотлар порталига жойлаштирган маълумотлари сони таҳлил қилинди. Жумладан, Канадада 214 033 та, АҚШда 137 601 та, Буюк Британияда 20 505 та, Францияда 13 967 та, Японияда 12 800 та, Германияда 9 799 та ҳамда Италияда 9 031 та маълумотлар тўплamlари мавжуд.

Мамлакатимизда очик маълумотлар ҳукумат ва иқтисодиёт вакилларига қўшимча иқтисодий фойда кўришга ёрдам беради. Яъни очик маълумотлар орқали йиллик кўрсаткичларни қиёслаб, ўсиш суръатларини баҳолаш имкони мавжуд бўлади.

Очик маълумотлар базасидан фойдаланишда юзага келувчи муаммолар қуйидагилардан иборат:

- очик маълумотлар дастурини ишга тушириш жараёнига хусусий сектор, ОАВ, илмий давралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳам жалб қилиниши лозим;

- ахборот эркинлиги соҳасида сўнгги 3 йилда берилган эркинликларга қарамай, Ўзбекистонда ҳалигача ахборот олишда давлат органлари томонидан тўсқинлик қилиниши ҳолатлари мавжудлиги;
- кўплаб маълумотларнинг электрон кўринишда эмас, қоғозларда сақланаётгани ҳам ахборотнинг очиклигига дахл қилиши;
- очик маълумотларни оммага хавола этиш бўйича аниқ бошқарув тизими мавжуд эмаслиги;
- Интернет тезлигининг пастлиги, АКТ инфратузилмаси етарли даражада ривожланмагани, сифатли кадрлар йўқлиги[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4273-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 105-к сонли буйруғи ишлаб чиқилди. Ушбу буйруққа асосан қўмита тизимида “Очик маълумотлар портали фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси” ташкил қилинди.

Бошқарма томонидан бир қатор амалий ишлар амалга оширилди:

1. Давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида жойлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ рўйхати шакллантирилди ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланди.

2. Очик маълумотлар порталида 2019 йил апрель ҳолатига 4350 та индикатор мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йил февраль ҳолатига 7770 тага етказилди.

3. 2019 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида “Open Data Tashkent 2019” очик маълумотлар бўйича халқаро конференция ўтказилди. Мазкур конференция доирасида мамлакатимизда очик маълумотлар порталини ривожлантириш бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-park) билан биргаликда мамлакатимиздаги 88 та вазирлик ва идораларнинг 185 нафар ходими учун “Очик маълумотларга кириш” мавзусида ўқув курслари ташкил этилди.

5. 2019 йилнинг декабрь ойида “Open Data Day 2019”, “Open Data Challenge 2019” хакатони (дастурчилар форуми), “Маълумотлар журналистикаси ва маълумотларни визуал қайта ишлаш” мавзусида семинар

тренинг, очик маълумотлар асосида энг яхши журналистик материалларни тайёрлаш бўйича танлов ташкил этилди.

6. “Open Knowledge Foundation” ташкилоти таркибида Open Knowledge Uzbekistan мунозара гуруҳи яратилди.

7. Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар портали (data.gov.uz) очик маълумотлар Институтининг (Open Data Institute, ODI) “SILVER” (Кумуш) даража сертификатини олди.

8. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) Очик маълумотлар Институтидан (Open Data Institute, ODI) очик маълумотлар сертификатининг жамоа гувоҳномасини олиш орқали энг юқори “PLATINUM” (Платина) даражасига эришди.

9. “Open data Interception” маълумотиغا кўра, дунёдаги 100 та мамлакат орасида Ўзбекистон 52 та очик маълумотлар манбалари билан очик маълумотлар манбалари сони мавжудлиги рейтингда 9-ўринни эгаллади.

10. OzNome 5 юлдузли баҳолаш мезони бўйича, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти **Stat.uz** маълумотлари 4,47 баллни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали – **Data.gov.uz** маълумотлари 3,34 баллни қайд этди.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк), шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори томонидан “Очик маълумотлар” бўйича қўлланма тайёрланди ва чоп этилди.

Очик маълумотлар иқтисодиёт учун муҳим ҳисобланади. Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, фақат Европа мамлакатларида очик маълумотларнинг бозор қиймати ўнлаб миллиард еврога тенг бўлиб, очик маълумотлардан фойдаланадиган маҳсулотлар ва компаниялар пайдо бўлади. Дания сайти husetsweb.dk уйнинг энергия самарадорлигини оширишга, молиявий режалаштиришни амалга оширишга ва ишни бажарадиган курувчиларни топишга ёрдам бермоқда. У кадастр маълумотларини ва давлат субсидиялари ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, компанияларнинг маҳаллий реестрларини қўллаб, Google Translate ишлаб чиқувчилари барча Европа тилларида чоп этиладиган Европа Иттифоқи ҳужжатларининг катта ҳажмида таржима алгоритмларини ўқитиш орқали хизмат сифатини оширмоқда[5].

Порталнинг давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш масалаларини ишлаб чиқиш орқали ушбу жараёндан "инсон

омили" ни максимал даражада бартараф этиш муаммосини тубдан ҳал этиш лозим. Айни пайтда давлат органлари томонидан идоралараро жараёнларни автоматлаштиришнинг янги ахборот тизимларини яратиш ва мавжуд ахборот тизимларини модернизация қилиш орқали ўз жараёнларини фаол рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Очiq маълумотларни автоматик равишда белгиланган параметрлар бўйича тўплаш ва уларни очiq маълумотлар порталига машина ўқиладиган форматда ўтказиш имкониятини таъминлаш учун бундай ахборот тизимларига бўлган талабни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январьдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 25.01.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очiqлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сонли қарори // Халқ сўзи, 11.04.2019.
3. The road to budget transparency: learning from country experience [Electronic resource]. – Mode of access: <https://www.internationalbudget.org/publications/road-to-budget-transparency-country-synthesis/>. – Date of access: 19.04.2019.
4. ICT Sector Unit, The World Bank, Connecting to Work: How information and communication technologies could help expand employment opportunities, Washington, DC, September 2013. pp. 215.
5. Лора Мэнли, Джоэл Гурин. Открытые данные для бизнеса. Аналитическая записка Всемирного банка для лидеров в области развития. Проект для обсуждения. 2015 год. стр.12.